



ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАРНИ ҚАЙТМАСЛИК ДАРАЖАЛАРИНИ ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ КЕСИМИДА ТАҲЛИЛИ

Абдурахмонов Рустам Атаханович

Ўзбекистон Республикаси олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги
ORCID: 0009-0003-7718-4290
rustamatahanovich8111@gmail.com

Аннотация. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон банкларида қайтмас кредитлар даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уни иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлил қилишга қаратилган. Банклар томонидан тақдим этилаётган кредитларнинг тўловчанлик даражаси мамлакатнинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий тизимининг самарадорлигида муҳим аҳамиятга эга. Иқтисодиётнинг турли тармоқларида қайтмас кредитлар даражаси турлича бўлиб, бу тармоқларнинг ўзига хос хусусиятлари, молиявий ҳолати ва бозор шароитлари билан боғлиқдир.

Тадқиқот доирасида қайтмас кредитлар муаммосини ҳал қилишда банкларнинг риск бошқаруви, молиявий мониторинг механизмлари ва давлат томонидан кўрсатиладиган қўллаб-қувватлаш дастурларининг роли ўрганилган. Иқтисодиёт тармоқлари кесимида қайтмас кредитлар даражасига хос тенденциялар таҳлил қилиниб, бу соҳадаги муаммолар ва уларни бартараф этиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, кредит, қайтмаслик, ликвидлик, риск, хатар, пул, иқтисодиёт, айланма маблағ, капитал, баланс, даромад.

АНАЛИЗ СТАВОК НЕВОЗВРАТА КРЕДИТОВ В БАНКАХ УЗБЕКИСТАНА В РАЗРЕЗЕ СЕКТОРОВ ЭКОНОМИКИ

Абдурахмонов Рустам Атаханович

Министерства высшего образования, науки и инноваций

Аннотация. Данное исследование направлено на определение факторов, влияющих на уровень невозвратных кредитов в банках Узбекистана, и анализ его в секторах экономики. Уровень платежеспособности по кредитам, предлагаемым банками, важен для экономической стабильности страны и эффективности финансовой системы. В разных секторах экономики уровень невозвратных кредитов различен, что обусловлено спецификой секторов, их финансовым положением и рыночной конъюнктурой.

В рамках исследования изучается роль управления банковскими рисками, механизмов финансового мониторинга и программ поддержки, предоставляемых государством, в решении проблемы невозвратных кредитов. В разрезе секторов экономики анализируются тенденции, характерные для уровня невозвратных кредитов, и разрабатываются практические рекомендации по проблемам в этой области и их устранению.

Ключевые слова: банк, кредит, невозврат, ликвидность, риск, risk, деньги, экономика, оборотный капитал, баланс, доход.

ANALYSIS OF NON-RETURN RATES OF LOANS IN BANKS OF UZBEKISTAN IN THE CROSS SECTION OF ECONOMIC SECTORS

Abduraxmonov Rustam Ataxanovich
Ministry of Higher Education, Science and
Innovation of the Republic of Uzbekistan

Annotation. *This research is aimed at determining the factors affecting the level of non-return loans in the banks of Uzbekistan and analyzing it in the sectors of the economy. The level of solvency of loans offered by banks is important in the economic stability of the country and the effectiveness of the financial system. In different sectors of the economy, the level of non-return loans is different, which is due to the specifics of the sectors, their financial situation and market conditions.*

Within the framework of the study, the role of bank risk management, financial monitoring mechanisms and support programs provided by the state is studied in solving the problem of non-return loans. In the cross section of the economic sectors, trends specific to the level of non-return loans are analyzed and practical recommendations on problems in this area and their elimination are developed.

Keywords: *bank, credit, non-return, liquidity, risk, risk, money, economics, working capital, balance sheet, income.*

Кириш.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва шу асосда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиб боришда кредитлар муҳим ўрин тутди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш, пул муомаласини барқарорлаштириш асосида миллий пул бирлигини мустақамлашнинг асосий йўлларида бири ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уни такомиллаштиришдан иборат. Ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва унинг самарадорлигини ошириш, хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан тўғри фойдаланиш, уларни ишлаб чиқаришда қўллаш, иқтисодлилик тамойилига риоя қилиш, материал харажатларини камайтириш, арзон, лекин сифатли материалларни ишлаб чиқаришда қўллаш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Шунинг таъкидлашимиз лозимки, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш аввалом бор айланма маблағлардан тўғри фойдаланишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хўжалик юритувчи субъектларга кредит бериш тижорат банклари томонидан «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» ги Қонун асосида ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда амалга оширилади. Тижорат банклари томонидан кредитлар, ўз капитали ва мустақил балансига, юридик шахс мақомига эга бўлган мустақил хўжалик юритувчи субъектларга берилади. Тижорат банклари хўжалик юритувчи субъектларга, уларнинг мулкчилик шаклларида қатъий назар, шартнома асосида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берадилар.

Тижорат банкларида кредитлаш жараёни бир нечта тамойиллар асосида амалга оширилади:

1. Кредитнинг мақсадлилиги.
2. Кредитнинг муддатлилиги.
3. Кредитнинг қайтарилишлиги.
4. Кредитнинг таъминланганлиги.
5. Кредитнинг тўловлилиги.

Қайтарилиш тамойили кредитнинг мазмунини ифодалаб, банк томонидан миқдорларга бериладиган ҳар бир сўм пул маблағлари яна банкка қайтарилиши лозим. Қайтариб беришни иқтисодий асоси сифатида маблағларнинг узлуксиз доиравий

айланиши ҳисобланади. Қайтариш тамойилининг шундай муҳим хусусияти борки, кредитни бошқа товар-пул муносабатларининг иқтисодий категорияларидан фарқи бўлган иқтисодий категория сифатида ажратиб туради. Қайтарилиш кредитнинг ажралмас атрибути ҳисобланади.

Муаммоли кредитлар таҳлилида муаммоли кредитларнинг даражаси ва динамикасига, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражасина ҳамда кредитларнинг даромадлигига баҳо бериш муҳим ўрин тутаяди.

Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёр даражасида бўлишини таъминлаш учун, биринчидан, таснифланган кредитлар таркибини яхшилаш йўли билан шубҳали ва умидсиз кредитларнинг таснифланган кредитлар ҳажмидаги салмоғини ошишига йўл қўймаслик керак; иккинчидан, кредитлар бўйича захира ажратмалари суммасининг ўсиш суръатини брутто активларнинг ўсиш суръатидан юқори бўлишига йўл қўймаслик лозим.

Адабиётлар шарҳи.

Базель (2016) кўмитасининг банк назорати бўйича талабларига мувофиқ, муаммоли кредит (nonperforming credit) деганда тўлови 90 кундан ортиқ муддатга кечиккан ва банк фоиз ҳисоблашни тўхтатган кредитлар тушунилади. Базель кўмитаси кредит тўловини 90 кунга кечикишини йўл қўйиш мумкин бўлган чегаравий даража сифатида қабул қилади ва кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмалари даражасини кредитни муддати ўтганлигини 90 кунлик даври билан боғлайди. Кўмитанинг тавсиясига кўра, кредитнинг қайтариш муддати тугаганига 90 кун ва ундан ортиқ вақт ўтган бўлса, яратилган захира ажратмаси миқдори кредит бўйича умумий қарздорликнинг 20 фоизидан кам бўлса, у ҳолда, мазкур кредитларнинг риск даражаси 150 фоизни ташкил қилади.

Гасанов (2016) муаммоли кредитларнинг қўйидаги турлари мавжудлигини эътироф этади:

- муаммоли қарздорлик тўғрисида огоҳлантирувчи белгиларга эга бўлган кредитлар;
- кредит олган субъектнинг жорий ҳисобрақами бўйича айланманинг қолдиғини камайиши ҳисобига доимий равишда 1-2 кунга тўлови кечикадиган муаммоли кредитлар;
- кредит олган субъектнинг молиявий ҳолатини ёмонлашиши ҳисобига тўловлари тизимли бўлмаган ҳолда кечикаётган кредитлар;
- тўлови сўнгги ярим йил ичида 30 кундан ортиқ муддатга кечиккан кредитлар;
- кредит олган субъект банкрот бўлганлиги сабабли умидсиз кредитга айланган муаммоли кредитлар.

Уэрта де Сотонинг (2008) фикрига кўра, биринчидан, тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайиши бунга қадар фойда келтирмаётган инвестиция лойиҳаларини фойда келтирадиган инвестиция лойиҳаларига айлантиради; иккинчидан, банклар томонидан ихтиёрий жамғармалар билан таъминланмаган кредитлар ҳисобидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштирилиши, пировард натижада, инвестиция лойиҳаларининг барбод бўлишига ва берилган кредитларнинг қайтмаслигига олиб келади.

Миан ва Сафининг (2013) хулосасига кўра, банклар томонидан уй хўжаликларига берилган кредитларни ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолининг юқори эканлиги уларнинг ўз рискларини назорат қилиш имкониятларини фирмаларникига қараганда сезиларли даражада чекланганлиги билан изоҳланади.

Лыкованинг (2013) хулосасига кўра, муаммоли кредитларнинг юзага келишини олдиндан аниқлаш кредит рискинни бошқаришнинг нисбатан ишончли ва самарали усули ҳисобланади.

Абдуллаеванинг (2000) хулосасига кўра, тижорат банклари кредит портфелининг диверсификация даражасининг паст эканлиги, банкларнинг кредит портфелида марказлашган кредитлар салмоғининг юқори эканлиги кредит рискин даражасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

Алимардонов (2018) томонидан амалга оширилган диссертацион тадқиқот натижалари кўрсатдики, юқори ликвидли гаров объектларини кичик бизнес субъектларининг кўпчилигида мавжуд эмаслиги, тижорат банклари томонидан хорижий банкларнинг кредит линиялари ҳисобидан берилаётган кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги республикамиз тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларини кредитлаш амалиётидаги кредит рискин даражасини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда индукция ва дедукция, эксперт баҳолаш ҳамда таркибий, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Шунингдек, кредит рискин баҳолаш ва бошқаришга бағишланган эмпирик тадқиқотларнинг натижаларидан фойдаланилди. Тадқиқотни амалга оширишда мамлакат ва хориж банкларининг статистик ва амалий маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Иқтисодиётнинг ривожланиши, хусусий сектор фаолиятининг кенгайиши, аҳолининг иш билан бандлиги масалаларини ижобий ҳал этишда асосий дастак бўлиб банк кредитлари ва инвестициялар ҳисобланади. Шуларни ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда банк тизимини изчиллик билан ривожлантиришга, банклар томонидан кўрсатилаётган хизматлар туриларини кўпайтириш ва сифатини оширишга қаратилган ислохотларни амалга ошириш давом этиб келмоқда.

Иқтисодий барқарорликка эришиш, аҳоли фаровонлиги ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва асосийси рақобатдош иқтисодиётни барпо этишда банк кредитлари билан бир қаторда кредит рискин баҳолаш ҳам муҳим ўрин тутди.

1-жадвал

Кредит рискин баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашув

Рейтинг	Рискка тортиш коэффициентлари (%)			
	Давлат ва Марказий банклар	Кредит ташкилотлари (1-вариант)	Кредит ташкилот (1-вариант) (қисқа муддатли талаблар)	Юридик шахс
AAA дан A гача	0	20	20 (20)	20
A+ дан A – гача	20	50	50 (20)	50
BBB + дан BBB – гача	50	100	50 (20)	100
BB + дан BB – гача	100	100	100 (50)	100
B + дан B – гача	100	100	100 (50)	150
B – паст	150	150	150 (150)	150
Рейтингсиз	100	100	50 (20)	100

Манба: Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. <http://www.bis.org-publications>.


1 - жадвалда келтирилган маълумотлар “стандартлашган ёндашув”нинг мазмунини аниқ кўрсатади. Яъни ушбу ёндашувда кредит рискининг даражаси кредит олувчининг кредит рейтингига қараб белгиланади.

Масалан, кредит рейтинги AAA дан AA гача бўлган компанияларга берилган кредитларнинг риск даражаси 20 фоизга тенг; кредит рейтинги B – дан паст бўлган компанияларга берилган кредитларнинг риск даражаси 150 фоизга тенг. Тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит рискининг даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири – бу кредитлар бўйича захира ажратмаларининг даражасидир.

Муаммоли кредитлар банкларга икки хил йўл билан иқтисодиётга босим ўтказилади:

Биринчиси, муаммоли кредитлар банкларнинг рентабеллигини пасайтиради, чунки кредитлаш орқали келадиган даромадларни камайтирадиган йўқотишларни келтириб чиқаради.

Иккинчиси, банк йўқотишларга тайёргарлик кўриш учун захираларни яратишлари керак бўлади. Яъни бу шуни англатадики, банклар йўқотишларни қоплаш учун пулни тежашлари керак бўлади. Бу эса, банкларнинг янги кредитлар бериш имкониятини камайтиради ва натижада унинг фойдаси камайишига олиб келади. Шунинг учун банкларда кредит рискларини бошқариш, кредитнинг қайтарилишини таъминлайди. Бу бўйича дунё мамлакатларида қўлланиладиган учулларни амалга ошириш муҳим ҳисобланади.



1-расм. Deutsche Bank ва Bank of America банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплаш учун захира ажратмалари

Манба: Tugalov, V. (2024). Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискин баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Moliya va bank ishi, 10(1), 42–47. <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/177>

1- расм маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда Deutsche Bank ва Bank of America банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0 %) анча паст бўлган. Бу эса, кредит рискин бошқариш амалиётини такомиллашганлигидан далолат беради. Демак хорижий тажрибаларни таҳлил қилган қолда кенгроқ миллий иқтисодиётимизга қўллаш кредитнинг қайтмаслик рискин олдини олиши мумкин.

Ўзбекистонда иқтисодиётга ажратилган жами кредитларнинг қарийб 29 фоизи саноат соҳасига тўғри келган бўлса, ушбу соҳанинг ЯИМ таркибидаги улиши ўртача 22 фоизни ташкил этади. Саноат соҳасига ажратилган кредитларнинг улуши катталиги ушбу соҳада технологияларни янгилаш ва замонавийлаштириш учун асосий воситалар (машина ва ускуналар)га бўлган доимий талабнинг юқорилиги билан изоҳлаш мумкин.

Қишлоқ хўжалигида эса, асосан ишчи кучига эҳтиёжнинг юқорилиги ва мавсумийлиги кредитга бўлган талабнинг пастроқ эканлигини кўрсатади.


2-жадвал

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича улуши

Кўрсаткичлар номи	01.12.2023 й.		01.12.2024 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Жами кредитлар	465 493	100%	525 887	100%	13%
Саноат	137 150	29%	150 146	29%	9%
Қишлоқ хўжалиги	47 291	10%	50 887	10%	8%
Қурилиш соҳаси	12 530	3%	13 378	3%	7%
Савдо ва умумий хизмат	31 590	7%	37 138	7%	18%
Транспорт ва коммуникация	33 819	7%	33 599	6%	-1%
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	3 740	0,8%	3 747	0,7%	0%
Уй-жой коммунал хизмати	1 788	0,4%	2 261	0,4%	26%
Жисмоний шахслар	146 709	32%	175 350	33%	20%
Бошқа соҳалар	50 878	11%	59 381	11%	17%


Манба: Марказий банкнинг расмий веб саҳифаси статистик маълумотлари.

2021 йилда иқтисодий тармоқларда муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши сезиларли ўсди ва 2022 йил декабрь ҳолатига кўра 5,2 фоизни ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, 2020 йил март ойидан бошлаб қатъий карантин чоралари жорий қилиниши натижасида иқтисодиётнинг реал секторидagi фаолликнинг пасайиши банк активлари сифатига салбий таъсир кўрсатди.



2-расм. Давлат улуши мавжуд банклар ва хусусий банклар бўйича муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши, %

Манба: Марказий банкнинг 2022 йилги статистик тўплами.



3-расм. Муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши ва кредит ўсиши, %

Манба: Марказий банкнинг 2022 йилги статистик тўплами.

Шунингдек, банклар томонидан тўлиқ акс эттирилмаган муаммоли кредитларнинг молиявий ҳисоботларда тўғри юритилиши устидан Марказий банк назоратининг кучайтирилиши ҳам муаммоли кредитлар улушининг ўсиш тенденциясига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётида кредитлашнинг замонавий усуллари қўллаш банклар ва мижозлар учун қуйидаги ижобий жиҳатларни таъминлайди:

- банклар жалб қилинган ва ўз маблағларидан самарали фойдаланади;
- тижорат банклари мижозлари маблағларини банк талабига кўра кредитни қайтаришга йўналтириш мумкин;
- тижорат банклари томонидан кредитлар қайта-қайта берилиши ҳисобига кредит таклифини оширишга хизмат қилади;
- кредит ҳужжатларини расмийлаштириш тезкор ва кредит олиш имкониятлари юқори;
- ушбу кредитлаш шакллари кўп мақсадлилиги ишлаб чиқариш корхоналарининг айланма маблағларини айланишини тезлаштиради ва ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлайди;
- мижозлар фойдаланган кредит миқдори ва муддатига мувофиқ фоиз тўловларни тўлайди;
- кредитлаш жараёнида ресурслардан самарали фойдаланиш билан бирга, банк ликвидлилигини таъминлайди ва бошқаради;
- тижорат банклари кредитлаш фаолиятида кредит ресурслари маълум давомийлик асосида берилиши ҳисобига кредит рискинни пасайишини таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг фаолиятидаги кредит рискинни баҳолаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида,

биринчидан: кредитларнинг даромадлиги ва кредит риси даражалари ўртасидаги алоқадорликни баҳолаш аниқлигини ошириш мақсадида 1 сўмлик кредитга тўғри келадиган даромад даражаси, кредитлардан олинган фоизли даромадлар билан брутто кредитларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи билан кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи ўртасидаги мутаносиблик кўрсаткичи, соф фоизли спрэд кўрсаткичи, фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати кўрсаткичи ва кредит портфелининг диверсификация даражаси кўрсаткичларидан иборат бўлган кўрсаткичлар мажмуини шакллантириш керак;

иккинчидан: мижозларга бериладиган кредитларнинг чегаравий миқдорини аниқлаш мақсадида бир вақтнинг ўзида молиявий маржа кўрсаткичидан, молиявий мустақиллик кўрсаткичидан ва жорий ликвидлик кўрсаткичидан фойдаланиш зарур;

учинчидан, халқаро рейтинг агентликларининг суверен кредит рейтингига эга бўлган компанияларга хорижий валюталарда берилган кредитлар бўйича кредит рисини баҳолашда “стандартлашган ёндашув”дан фойдаланиш лозим.

Адабиётлар/ Литература/ Reference:

Basel (2006) Committee on banking supervision. *International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006.* <http://www.bis.org/publications>.

Basel (2016). *Guidelines Prudential treatment of problem assets – definitions of non-performing exposures and forbearance: Basel Committee on Banking Supervision, July, 41 p*

Mian A., Rao K., Sufi A. (2013) *Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics.* –128(4). –pp. 1687 -1726.

Tugalov, B. (2024). *Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рисини баҳолаш амалиётини такомиллаштириш. Moliya va bank ishi, 10(1), 42–47.* <https://journal.bfa.uz/index.php/bfaj/article/view/177>

Абдуллаева Ш.З. (2000) *Банк рисклари шароитида тижорат банкларнинг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент.*

Алимардонов И.М. (2018) *Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. дисс. автореф. –Тошкент, 61 б.*

Гасанов О.С.(2016). *Оценка индекса риска ведущих банков России//Международный научный журнал «Символ науки». № 9. С. 80-82.*

Лыкова Н.М. (2013) *Раннее обнаружение проблемных кредитов // Банковское дело. – Москва, - №8. - С. 51.*

Уэрто де СотоХесус (2008). *Деньги, банковский кредит и экономические циклы. Пер. с англ. – Челябинск: Социум, 2008. – 666 с.*